Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 4 (1225) • 2019-yil 25-yanvar, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Монополияга қарши курашиш қўмитаси) бошқарув ходимларининг чекланган сони **242** нафар, шу жумладан, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони **75** нафар этиб белгилансин.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раисига:

зарур ҳолларда, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари тузилмасини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

2-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимлари чекланган сони **90** нафар, шу жумладан, Агентлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони **50** нафар этиб белгилансин.

3-БЕТ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Давлат дастури ижросида партия фракциясининг ўрни қандай бўлади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда партия депутатлик корпуси олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Эътироф этилганидек, 2019 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида халқимизнинг фикри, таклифлари билан такомиллаштирилганлиги ҳамда унда давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган долзарб муаммоларни ҳал этишнинг аниқ йўллари ва механизмлари белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан Давлат дастури лойиҳасини шакллантириш ва муҳокамага қўйилган дастур лойиҳасини янада мукаммаллигини таъминлаш мақсадида 100 га яқин асослантирилган таклифлар берилганини қайд этишди. Уларнинг аксарияти Давлат дастурига киритилди. Хусусан, энергетика соҳасида давлат бошқарувини шакллантиришга, тиббиёт ва таълим йўналишларидаги ишларни изчил давом эттиришга, аҳолининг бандлигини таъминлашга, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тизимли олиб боришга қаратилган таклифлар шулар жумласидандир.

Фракция аъзолари ушбу дастурий ҳужжатни қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг ҳар бир банди ва йўналиши ижросини таъминлашда парламент ва сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юкланишини таъкидладилар.

Айниқса, Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилиши белгиланган қонун лойиҳалари, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастури мақсадларига мос равишда "Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида"ги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири, "Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда партия фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур.

3-БЕТ

Германия ишбилармонлари Ўзбекистонга сармоя киритишга қизиқмоқда

5-БЕТ

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

6 Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш зарурати

НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

Сектор раҳбарлари фаолияти қониқарсиз(ми?!)

Жойларда аҳолини ўйлантираётган муаммолар, ҳудудларни ривожлантиришга халақит бераётган масалаларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш мақсадида республика ишчи гуруҳи томонидан Сурхондарё вилоятининг бир қатор туманларида ўрганишлар олиб борилди. Мазкур ўрганишлар натижаси умумлаштирилиб, халқ депутатлари туман Кенгашларининг сессияларида атрофлича муҳокама этилди. Мазкур сессияларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоятдаги мутасадди идоралар масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сессиялар ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Наримон Умаров иштирок этди.

Тумандаги мактабларда 4600 та парта, 173 дона ўқув доскаси, 42 та шкаф ва 10 жамланма компьютер техникалари етишмайди.

Халқ депутатлари **Олтинсой тумани** Кенгашининг навбатдаги сессияси республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари натижалари асосида бўлиб ўтди. Туманда коммунал тизим, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва капитал қурилиш соҳаларида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, туманда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда бирмунча ишлар қилинган. Бироқ уй-жой қурилиши, йўллар ободлигини таъминлаш, бандлик, мактабгача таълим йўналишида, транспорт хизмати, суюлтирилган газ таъминотида бир қатор муаммолар борлиги аниқланди. Туманга инвестицияларни жалб этиш, кичик саноат зоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айтиш жоизки, 53 та маҳаллада уйма-уй юриб ўтказилган мулоқотлар ҳамда ижтимоий ва бошқа объектларда олиб борилган ўрганишлар давомида жами 4118 та муаммолар аниқланди.

Хусусан, **"Обшир", "Мингчинор", "Паҳлавон", "Узумзор" маҳаллаларида газ, электр, ичимлик суви таъминотида муаммолар бир талай, ички йўлларнинг ҳолатини яхшилаш зарур. Ушбу маҳаллаларда аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланмаганини қандай изоҳлаш мумкин?!**

5-БЕТ

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизнинг турли жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар тобора чуқурлашаётган ҳозирги муҳим паллада хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда юқори босқичга кўтариш биз учун нафақат амалий, балки стратегик аҳамият касб этади.

Янгиланган Консуллик устави

ХОРИЖДА ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Ана шу жараёнда ташқи сиёсат билан шуғулланувчи ташкилот, идоралар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи консуллик муассасалари муҳим роль ўйнайди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги консуллик муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави ҳисобланади. Консуллик устави, таъбир жоиз бўлса, хорижий мамлакатлардаги консуллик муассасалари ходимларининг кундалик фаолиятини белгилаб берувчи қомус десак, муболаға бўлмайди.

4-БЕТ

Пештоққа қайтаётган кошин

8 **Вобкентдаги "Чашмаи Айюб" мақбараси пештоқидан бундан 8 йил (!) аввал ўғирлаб кетилган ноёб кошин ўз жойига қайтарилади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича мансаб маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш;

халқаро амалиётдан ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда, Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун контракт асосида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат рақобат қўмитаси) монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга ошириади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида масалалар бўйича — бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва ҳисобдор бўлади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларига нисбатан қайта ташкил этилган Давлат рақобат қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган тиббий хизмат кўрсатиш тартиби сақланиб қолади;

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан илгари берилган ҳужжатлар ва улар қабул қилган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ҳамда унинг қайта ташкил этилиши муносабати билан бекор қилинмайди ёхуд ўзгартирилмайди.

4. Монополияга қарши курашиш қўмитасига:

рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш масалалари юзасидан амалга ошириладиган тадбирларга иқтисодий, молия, солиқ органлари ва бошқа органлар ходимларини жалб қилиш;

монополияга қарши сиёсат ва рақобатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 июлдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида йиғим ундирилади.

6. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг манбалари қуйидагилар этиб белгилансин:

рақобат ва табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун ундирилган асоссиз олинган даромадларнинг суммаси;

рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси тақдимномаларини бажарилмаганлик учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган жарима маблағлари;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун йиғимлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар;

халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари маблағлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг жорий харажатларини молиялаштиришга;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, улар томонидан турар жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштиришга;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланади.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ўлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда:

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, ахборот бермаслик ёки била туриб нотўғри ахборот бериш, Монополияга қарши курашиш қўмитаси тақдимномаларини бажармаслик, шунингдек, унинг ходимлари фаолиятига аралашганлик ҳамда уларга юклатилган вазифа ва функцияларни қонуний бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун юридик шахсларга жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат органи сифатида **Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигини** ташкил этиш ҳамда тегишли давлат органлари ва муассасаларининг штат бирликларини ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларини унга ўтказиш бўйича таклифлар киритсин;

в) **2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, унда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш ҳамда монополияга қарши тартибга солишнинг миллий иқтисодиётда ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва жараёнларнинг юксак талабларига жавоб берадиган мутлақо янги илғор моделини яратиш;

товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг мослашувчан, шу жумладан, хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган воситалари ва усулларини жорий этиш;

рақобатни ҳимоя қилиш бўйича олдини олувчи воситаларни, шу жумладан, монополияга қарши комплаенс механизми — биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ичида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш;

рағбатлантирувчи тарифлар шакллантиришнинг рақобатни кучайтирувчи таъсир кўрсатадиган янги юқори самарали усуллари ва уларни қўллашни назорат қилиш механизмларини жорий этиш ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари (тарифлари)ни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини, шу жумладан, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари трансчегаравий шаклларининг олдини олиш мақсадида яратиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида ҳуқуқни қўллашда кенг ихтиёр берадиган ваколатларни бекор қилиш;

"картель" келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методикаси бўйича товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш индикаторларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) жорий этиш;

рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш тезкорлигини ошириш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлар салоҳиятини тизимли равишда ошириш, олий ўқув юртлари ўқув дастурларига рақобат сиёсати ва рақобат ҳуқуқи соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича махсус йўналишларни жорий этиш;

муносиб моддий таъминот ва ижтимоий шароитлар борасида ижтимоий кафолатларни назарда тутган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг олдини олиш.

9. Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахбороти мажбурий тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси харажатлари учун маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Монополияга қарши курашиш қўмитасига хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин ва 5 та хизмат, шу жумладан, 4 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун лимит белгиласин;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига биноан маъмурий биноларини таъмирлаш ҳамда моддий-техника базасини шакллантириш мақсадида зарур мебель, ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олиш учун зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитасини телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

13. Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан йиғимлар ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда тегишлилиги бўйича:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишни;

кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни Монополияга қарши курашиш қўмитасига қайта расмийлаштиришни амалга оширсин.

14. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

15. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 3-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаларини қайта ташкил этилган Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг ҳозирги жойлашган биноларида жойлаштирилишини, зарур ҳолларда, янги бино ажратилишини таъминласин.

16. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 январь

Аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари учун барча шароит яратилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 21 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида пойтахтимизга йирик бизнес вакиллари ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш, шаҳарда энг қулай инвестиция муҳитини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шунга мувофиқ, жорий йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 2019 йилда Тошкент шаҳри иқтисодиётига 2 миллиард 700 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш, бунинг эвазига 273 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Тақдимотда мазкур лойиҳаларнинг соҳалари ва жойлари, маблағларни ўзлаштириш муддатлари таҳлил қилинди.

Масалан, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш, фармацевтика, нефть-кимё ва бошқа саноат тармоқларида жами 115 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 103 та, турар жойлар йўналишида 55 та лойиҳа режалаштирилган. Бу 37 мингга яқин иш ўрни яратиш ва аҳолининг маиший шароитларини янада яхшилаш имконини беради.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Хорижий инвесторларга кўмаклашиш, лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Инвестиция бўлмаса, иқтисодиёт ривожланмайди. Инвесторларга муҳит, инфратузилма яратсак, иш жойи бўлади, маҳсулот кўпаяди, солиқ тушади. Корхоналарнинг фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 8 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охирги ойларига қолдириш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда буни биринчи ярим йилликда камида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ҳам жорий йилги инвестицияларнинг 70 фоизини I-III чоракларда ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳар бир лойиҳанинг босқичлари, масъуллари ва муддатлари аниқ белгиланган.

Тақдимотда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш механизми ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Унга кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси бошчилигида пойтахтимизнинг ҳар бир туманида ишчи гуруҳлар тузилган. Инвесторларга ер ажратилишидан бошлаб, лойиҳа фойдаланишга топширилгунча бўлган барча босқичлардаги чора-тадбирлар аниқ белгилаб қўйилган. Бу лойиҳаларни расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофлик, ҳалоллик таъминланади, коррупцияга йўл қўйилмайди.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларни амалга оширишда юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш, корхоналар ишга тушгандан кейин ҳам уларнинг самарали фаолият кўрсатишига ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент иқтисодиётига доир яна бир янгилик — Сергели туманида 100 гектардан зиёд ҳудудда Европа стандартлари бўйича замонавий индустриал технопаркни ишга тушириш режалаштирилган. Бунинг инвесторлар учун қулайлиги шундаки, барча бино-иншоотлар тўлиқ тайёр ҳолда топширилиб, зарур инфратузилма билан таъминланади.

Бугунги кунда технопаркни лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилган, ҳозирданоқ 85 фоиз ер тадбиркорларга ажратиб берилган. Бу ерда 10 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Мутасаддиларга технопаркни тезроқ ишга тушириш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларни бошқариш тизимини тажриба тариқасида профессионал бошқарув компанияларига ўтказиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Юнусобод туманида 1 минг 212 та кўп қаватли уй бор. Режага кўра, ушбу уйларга хизмат кўрсатиш профессионал бошқарув компанияларига берилади. Бунинг натижасида тизимдаги молиявий ҳолатни соғломлаштириш, муаммоли кредитларни ҳал этиш, моддий-техник базани мустаҳкамлашга эришиш кўзда тутилган. Шундай бўлгач, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳам яхшиланади, туну кун ишлайдиган авария-диспетчерлик хизмати йўлга қўйилади.

Президентимиз кўп қаватли уйларнинг ҳолати, одамларнинг розилиги бу тизимга боғлиқ эканини таъкидлаб, ушбу тажрибани шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам татбиқ этиш, соҳага ихтисослашган кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тошкент шаҳрида замонавий уйлар, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа иншоотлар барпо этиш, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, коммунал хизматлар бошқарув марказини ташкил этиш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Агентлик директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда, Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари тузилмаларини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик бошқарув мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида, истисно тариқасида уларга Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаган ҳолда, жалб қилиш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг асосий эгаллаб турган лавозимига кўра лавозим маошлари (тариф ставкалари)га, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш;

Агентликка юклатилган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида жалб этиладиган малакали хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи миқдорини халқаро тажриба ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Агентликни таъминлаш бўйича харажатларнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

4. Белгилансинки:

а) Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат рақобат қўмитаси) ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этувчиларни ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворриси ҳисобланади;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз ваколатларини мустақил равишда ва барча давлат органлари, ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил ҳолда олиб боради ҳамда ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига бўйсунади ва ҳисобот беради;

фонд биржалари фаолиятини ва қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензияловчи орган ҳисобланади;

лотереялар ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Агентлик фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентлик билан мажбурий тартибда келишилиши шарт;

в) мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ва Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказилган ҳолда амалга оширилади;

г) Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

д) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш Агентлик директори томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

е) Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг ишга қабул қилишда таълимнинг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака даражаларини белгилаш борасидаги талаблари хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан, истисно тариқасида, Агентлик учун тавсиявий хусусиятга эга;

ж) Агентлик ходимларига тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ходимлари учун назарда тутилган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби сақлаб қолинади;

з) Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан аввал берилган ҳужжатлар ва илгари улар томонидан қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу органларнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш талаб этилмайди;

и) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аввал берилган лотереяларни ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар уларнинг муддати тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу ваколатлар Агентликка ўтиши муносабати билан қайта расмийлаштирилмайди.

5. Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишда сотувчи томонидан тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларни йириклаштириш жараёнида уларнинг номинал қиймати оширилганда эмитент томонидан тўланадиган йиғим;

лотереяларни ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиқиш ва лотерея ўтказиш шартларини тасдиқлаш учун ундириладиган йиғим;

Агентлик томонидан белгиланган тартибда ундириладиган бошқа йиғимлар;

Агентлик томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан қимматли қоғозлар бозори ҳамда лотереяларни ташкил этиш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ундириладиган жарималардан келиб тушган маблағлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро ташкилотлар ва институтлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грант маблағлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

Агентликнинг жорий харажатларини молиялаштиришга;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, турар жой олишини имтиёзли молиялаштиришга;

Агентлик раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланади.

7. Агентлик:

а) Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларига қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шунингдек, Агентликнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун юридик шахсларга нисбатан жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2019 йил 20 декабрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари ва экспертлар билан ҳар томонлама муҳокама қилиниб, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва қуйидагиларни назарда тутувчи **Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

аҳоли, тадбиркорлар ва иқтисодиётнинг инвестициявий талабларини максимал даражада қаноатлантириш мақсадида молия бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментларини ривожланишини таъминлаш;

капитал бозорининг барча, шу жумладан, хорижий иштирокчилар учун тенг шароит ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини яратиш, шу аснода соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувлардан фойдаланиш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;

илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар, чекловлар ва соҳанинг ҳаддан ташқари тартибга солинганлигини бартараф этиш орқали фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

инвесторлар учун жозибадор механизмларни жорий қилиш ҳисобига капитал бозорининг капиталлашуви ва рақобатбардошлигини ошириш, банк томонидан кредитлашнинг самарали муқобил механизмини яратиш;

тегишли халқаро мезонлар ва тажрибаларни жорий қилган ҳолда, капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини, тизимли таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи зарур қонунчилик базасини ишлаб чиқиш;

иқтисодий сиёсат мақсадлари ва саноатни мутаносиб ривожлантириш зарурати билан боғлиқ ҳолда капитал бозорини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг тартибли мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

хорижий молия бозорларида рақобатбардошликни ошириш учун фойдаланиладиган асослантирилган имтиёз ва преференцияларни бериш орқали капитал бозорида инвестициявий ва ишбилармонлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда кенгайтириш;

капитал бозорини замонавий талабларга мос кадрлар билан таъминлашнинг барқарор тизимини ривожлантириш, истиқболли, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитларни яратиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Агентлик харажатлари учун маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 4 та хизмат, шу жумладан, 3 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлашга лимит белгиласин;

Агентликнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига асосан моддий-техник базани шакллантириш мақсадида зарурий жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни телефон алоқаси, жумладан, ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан давлат божлари ва бошқа турдаги йиғимларни ундирмаган ҳолда тегишлилиги бўйича:

Агентлик ва унинг ҳудудий органлари тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларининг ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишни;

кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк ҳуқуқларини тегишлича Агентлик ва унинг ҳудудий органларига қайта расмийлаштиришни таъминласин.

12. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юкланган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

13. Агентлик Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

14. Агентлик Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларини уларнинг ҳозирги жойлашуви бўйича биноларга жойлаштиришни таъминласин.

15. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 январь

Давлат дастури ижросида

партия фракциясининг ўрни қандай бўлади?

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда ушбу жараёнда аҳолининг кенг қатлами, мутахассислар, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида муҳокамалар ўтказиб, уларнинг таклифлари асосида қонун лойиҳаларини такомиллаштириш лозимлиги ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, депутатлар Давлат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Муҳокамалар жараёнида, айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини оширишга доир вазифалар ижроси партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик корпуси ва фаолларидан янгича ёндашув, ташаббускорликни талаб қилиши таъкидланди.

Ушбу йўналишда белгиланган вазифалар доирасида тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш ҳамда қўламини кенгайтириш бўйича ишларни изчил давом эттириш, хусусий тиббиёт тизимини янада ривожлантириш, тиббиёт соҳаси кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айниқса, аҳолига кўрсатилаётган онкологик тиббий хизмат сифатини яхшилаш кўзда тутилаётгани партия дастурий мақсадлари рўёбига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, Давлат дастурининг иқтисодиёт йўналишида белгиланган вазифалар ҳам партия дастурий мақсадларига тўла ҳамоҳангдир. Жумладан, 2020 йил якунига қадар мақсадли юқори бюджетдан қуйи бюджетга ажратмалар бериш қоидалари ва тартибларини такомиллаштириш, 2021 йилдан маҳаллий бюджетга қолдириладиган солиқлар бўйича ажратмалар меъёрини унификациялаш ва 3 йилда бир марта кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришда халқаро молия ташкилотлари билан биргаликда жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш, шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, яъни "Рақамли Ўзбекистон-2030" миллий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича "Йўл харитасини" тайёрлаш каби вазифалар бир неча йилдан буён **"электрон ҳукумат"**ни жорий этиш ғоясини илгари суриб келаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсадлари ҳаётийлигининг исботи эканлиги эътироф этилди.

Депутатлар ҳар ойда сайлов округларида ўтказиладиган учрашувларда Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами орасида тарғиб қилиш ҳамда унда белгиланган устувор вазифаларнинг жойларда самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилиш якунида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси олдида турган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Баҳром БУРҲОНИДДИНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари

Юқори қийматга эга маҳсулот

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ ГАРОВИ

Кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиб, халқ муҳокамасидан ўтган, билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, бир қатор таклифлар ўз ифодасини топган "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури Президентимиз фармони билан тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур муҳокамаларда нафақат фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, балки халқаро экспертлар ҳам фаол иштирок этишди.

Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Дастурда иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари бўйича мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришда кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган, яъни бундай таклифлар дастурдаги лойиҳаларнинг 83 тасида ёки жами лойиҳалар сонининг 30 фоизида ўз ифодасини топган.

Айнан бу йўналишда макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, "хуфёна" иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш, банк ва молия тизимини ислоҳ этиш, валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга оширишга оид кўплаб долзарб масалалар киритилган.

Хусусан, дастурнинг миллий иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларида юқори қийматга эга маҳсулот яратишга қодир бўлган соҳа ва тармоқларни аниқлаб олиш, яъни қайси соҳада юқори қийматга эга маҳсулот яратилса, ана шу соҳани ривожлантиришни биринчи навбатда қўллаб-қувватлашга оид лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу нарса аёнки, "Хуфёна иқтисодиёт" соҳа ривожланишидаги жиддий тўсиқ саналади. Бу эса мамлакат иқтисодиёти таркибида "Хуфёна иқтисодиёт" салмоғини қисқартириш борасида кескин чоралар кўришни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда, аввало, соҳалар ва тармоқлар кесимида "Хуфёна иқтисодиёт" салмоғи таҳлил қилиниб, унинг улушини камайтириш юзасидан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.

Бу дастурда иқтисодий фаолиятни легаллаштириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш юзасидан қўшимча чораларни аниқлаш; солиқ юкини камайтириш ва фуқароларимизни солиқдан қочишга эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишга, яъни рағбатлантиришга қаратилган ҳуқуқий нормалар киритилади.

Дастурдаги муҳим масалалардан яна бири, бу **қўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини камайтиришга оид чоралар, яъни бюджетга солиқ базасини кенгайтириш ишларини давом эттириш, бунда ҳар бир ҳудудда солиққа тортилмаган субъектларни аниқлаш орқали қўшимча манбаларни белгилаш, интизомли солиқ тўловчиларни рағбатлантиришни янада такомиллаштириш ва ҳудудларда ўз харажатларини ўзлари қоплашга ўтишга қаратилган рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.**

Маълумки, иқтисодиёт ривожланишида ташқи бозор таъсири, яъни ташқи бозордаги ўзгаришлар билан боғлиқлик, ташқи бозорлардаги салбий ҳолатлар, нарх коньюктурасининг беқарорлиги таъсир қилмай қолмайди. Шу сабабли дастурда мамлакат иқтисодиётига ташқи бозор салбий таъсирини камайтириш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш белгиланмоқда.

Унда иқтисодиёт соҳасидаги барча субъектларни, айниқса, экспортёрларимиз ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналаримизни қўллаб-қувватлашга қаратилган адолатли, тенг имкониятли солиқ, божхона тартибларини жорий этиш, ташқи бозордаги ўзгаришларни мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб, таҳлилий маълумотлар иқтисодиёт тармоқларига етказилишини назарда тутувчи тартиблар белгиланмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда дастурдаги лойиҳалар бўйича фуқароларимиз, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ҳамда вазирлик, идора мутахассислари, парламент аъзолари ва халқаро экспертлар томонидан кўплаб фикр-таклифларни баён қилиб, мамлакат ривожи йўлида кенг кўламли вазифаларга ўзларининг дахлдорлигини билдиришди.

Бу фикр ва таклифларнинг барчаси мутахассислар томонидан чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниб, улар асосида мамлакатда демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ҳамда кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган Давлат дастури лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Билдирилган фикрлар асосида дастурга қўшимча лойиҳалар киритилиб, 274 та лойиҳани ўз ичига олган жами харажатлари 16 998,6 миллиард сўм ва 8 106,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилган Давлат дастури тасдиқланди.

Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг тўлақонли адо этилиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Албатта, бу борада парламент аъзоларининг кенг жамоатчилик, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда ташаббускорлик асосида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларда қулай, шаффоф, содда тартиб-таомилларни, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонун нормаларини акс эттириш, Давлат дастури ижросида фаоллик кўрсатиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатни 2019 йили жадал ривожлантиришда иқтисодиёт тармоқларига киритиладиган инвестициялар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб, тармоқларни ривожлантиришнинг асосий стратегик вазифаларини белгилаб берган эди.

Саноат

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Ёрмамат ХОЛИЯРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Қисқа вақт ичида мазкур вазифалар ижроси борасидаги дастлабки қадам ташланди. Иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг роли ва иштирокини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини ҳал қилиб бериш мақсадида давлатимиз раҳбарининг "Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланди.

Иқтисодиётни бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш, бунда глобал, минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, "хуфёна" иқтисодиёт улушини қисқартириш, юқори қўшилган қийматли тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини орттириш, урбанизация, инвестиция ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни таъминлаш каби масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, шунингдек, инвестиция сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вазирлик махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Шунингдек, вазирлик томонидан ўзига тегишли вазифалар доирасида қабул қилган норматив-ҳуқуқий характерга эга қарорлари ижроси давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Ўз навбатида, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шу жумладан, ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини якуний босқичда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага киритишдан олдин Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишиш, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Республика ривожланиш дастурларини молиялаштириш жамғармаси, кичик саноат зоналари дирекцияларининг ҳар чоракда вазирликда амалга оширган ишлари бўйича маълумотлар бериб бориши тартиби йўлга қўйилди. Шунингдек, вазирликка ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига улар томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш бўйича тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилди. Қиймати 7 миллион АҚШ долларига эквивалент бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар қарорларини вазирлик билан келишиш тартиби жорий этилди.

Вазирлик фаолиятини ташкил этишда халқаро тажрибадан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш мақсадида шартнома асосида хорижий консультантлар ва экспертларни ишга жалб этиш билан бир вақтда техник кўмак ва грант маблағларидан фойдаланишга ҳам рухсат этилди.

Вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тегишли тадқиқотлар ўтказиш ва инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш имконияти ҳам кенгайтирилди.

Фармонга биноан вазирликка берилган ваколат ва вазифалар билан бирга белгиланган топшириқларни амалга ошириш юзасидан шакллантирилган ҳуқуқий механизмлар мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилиши билан биргаликда амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ҳам тақозо қилади. Бу жараёнда, албатта, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдида ҳам янги қонун лойиҳаларини тайёрлашдек масъулиятли вазифа турибди. Хусусан, ишлаб чиқариш тармоқларини индустриализация қилиш бўйича ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда халқаро бозорда уларнинг савдосини ташкил этишга доир бир қатор янги қонунлар яратиш зарурати вужудга келмоқда.

Албатта, парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш мақсадида яратилажак мазкур қонунлар лойиҳаларини пишиқ-пухта тайёрлаш, кенг жамоатчилик билан муҳокама этиб, қабул қилишда фаоллик кўрсатади. Зеро, бу қўмитамиз аъзоларининг анча йилдан бери ўрганиб, таҳлил қилиб, кўтариб келаётган масала ўлароқ, юртимизда саноатни янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Янгиланган Консуллик устави

ХОРИЖДА ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Амалдаги Консуллик устави 1996 йил 29 августда тегишли қонун билан тасдиқланган бўлиб, уни ўтган 22 йил давомида миллий қонунчиликка киритилган ўзгартишлар, шунингдек, ҳозирги кунда мамлакатда шаклланган амалиёт ҳамда хорижий тажриба ва халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш давр тақозосига айланган эди. Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 8 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган, жорий йил 18 январда Президентимиз томонидан имзоланган Консуллик уставининг янги таҳрири "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури"да кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга тўлиқ мос тушади.

Ҳужжатда принципиал жиҳатдан бир қатор янги нормалар ўз аксини топган бўлиб, жумладан, консуллик фаолиятини амалга оширишнинг, шунингдек, консуллик мансабдор шахслари ўз вақтида ҳар томонлама консуллик — ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш орқали чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича функцияларининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари белгиланди.

Янги таҳрирдаги Консуллик уставида консуллик муассасалари ҳуқуқий мақоми ва тоифаларининг аниқ ифодалаб берилганлиги, консуллик муассасасини очиш ҳамда консуллик имтиёз ва иммунитетларидан фойдаланиш тартиби ўз аксини топганлиги консуллик муассасалари томонидан уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришга яқиндан ёрдам беради.

Ҳужжатда консуллик ҳаракатларининг аниқ кетма-кетлигини белгилаш орқали консуллик функциялари тоифалари янада аниқлаштирилди.

Хусусан, консуллик округи ҳудудидаги Ўзбекисон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритиш; консуллик округи ҳудудида ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёхуд бедарак йўқолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва бериш; визаларни расмийлаштириш ва бериш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат ҳокимияти органларига сайловлар ўтказилишида сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашиш; фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича консуллик функцияларининг аниқ ва батафсил тавсифлаб берилаётганлиги хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга имкон яратади.

Консуллик уставининг янги таҳрирдаги матнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи ҳужжатни йўқотган ёхуд консуллик округи ҳудудида яшаш учун зарурий маблағларсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кўмаклашиш бўйича консуллик функциялари аниқ ифодалаб берилган бўлиб, бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан юқори" тамойилига тўлиқ мос келади. Қолаверса, ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида (инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши) ва 22-моддасида (Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши) ифодалаб берилган инсонпарвар нормалар билан тўлиқ ҳамоҳангдир. Мазкур норма орқали фуқароларга зарур ҳолларда молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакатнинг чет элдаги муассасаларига ҳамда умуман, давлат органлари тизимига ишончининг юксалишига сабаб бўлади, уларда ҳар қандай форс-мажор ҳолатларда ҳам ҳимояланганлик туйғусини мустаҳкамлайди.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Янгиланган Консуллик уставида, шунингдек, санитар, фитосанитар ҳамда ветеринар ҳимоя соҳасида консуллик ҳаракатларининг ўз аксини топганлиги консуллик округи доирасида карантинли юқумли касалликлар ва ўсимликлар зараркунандалари, ўсимликлар касалликларини қўзғатувчилар, карантин аҳамиятига эга бегона ўсимлик-ўтлар пайдо бўлган, ҳайвонларнинг умумий касалликлари тарқалиши хавфи бўлган ёки тарқалган, шунингдек, инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлар тарқалиши хавфи бўлган ёки тарқалган ҳолларда консуллик мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли органлари ва фуқароларини бу ҳақда ўз вақтида огоҳлантириб, тегишли эҳтиёт чораларини кўриш имконини беради.

Консуллик уставига киритилган принципиал нормалар халқаро консуллик ҳуқуқи норма ва тамойилларининг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементациясини чуқурлаштириш; Ўзбекистон Республикаси консуллик мансабдор шахслари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг масъулиятини ошириш, улар томонидан ишлаб чиқилаётган ҳужжатларнинг сифатини тубдан яхшилаш; чет элларда мамлакатимизнинг манфаатларини, унинг фуқаролари ва юридик шахслари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш; бошқа давлатлар билан дўстона муносабатларимизни ривожлантириш ҳамда улар билан иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Германия ишбилармонлари Ўзбекистонга сармоя киритишга қизиқмоқда

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф доирасида Берлинда Ўзбекистон – Германия ишбилармонлари бизнес-форуми, шунингдек, қатор тадбирлар, тақдимотлар бўлиб ўтди. Уларда иштирок этган икки мамлакат вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари Ўзбекистон – Германия ҳамкорлиги истиқболлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Экхарт ФРАНЦ,
Германия Федератив Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари:

— Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар менда катта таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбари томонидан жадал иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётгани ҳамкорлик учун янги имкониятлар очмоқда. Ўзбекистон – Германия бизнес-форумида 300 дан ортиқ германиялик тадбиркор иштирок этгани мамлакатингиз билан савдо алоқаларини ривожлантириш, инвестиция киритиш ва бизнес юритишга катта қизиқиш борлигидан далолат.

Ўзбекистон – Германия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи мажлисида иштирок этиш асосида ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан иқтисодий соҳалардаги шерикликнинг устувор йўналишларини таҳлил қилдик. Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, ушбу йўналишдаги ҳамкорлик учун мамлакатларимизда салоҳият юқори. Юртингизнинг дунё ҳамжамияти учун тобора очилиб бораётгани унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириб, ўзаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Алишер ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

— Германия тиббиёти саратон касалликлари билан боғлиқ масалаларни муваффақиятли ечиб келмоқда. Шу боис онкология соҳасида Германия билан ҳамкорлик бошладик. Бунинг самарасида бир нечта лойиҳалар бўйича шартномалар имзоладик. Жумладан, Тошкент туманида онкология маркази бунёд этишга келишдик. Бу ерда лойиҳанинг асосий ҳамкорлари «OPASCA» компанияси ва Маннҳайм университети клиникаси мутахассислари фаолият кўрсатади. Марказ Ўзбекистонда онкологларни тайёрлашда ҳам катта ҳисса қўшиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида онкология учун махсус марказ ташкил этиш бўйича «Fresenius Vamed» компанияси билан шартнома имзоланди. Ушбу клиникада ҳам немис мутахассислари иштирокида саратон хасталикларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш бўйича янги мактаб яратилади.

Алишер МИРСОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси:

— Икки мамлакат ишбилармонлари бизнес-форуми доирасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Германиянинг учта банки ўртасида 500 миллион евролик шартномалар имзоланди. Ушбу кредит маблағлари мамлакатимизга Европанинг энг замонавий ускуна ва технологияларини олиб келиш имконини беради. Натижада экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгаяди.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида банклар нафақат маблағ жалб қилиши, балки бизнес ҳамкорлар топиши ҳам зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, форумда германиялик ҳамкорлар билан жами қиймати 100 миллион еврога тенг яна 4 та йирик лойиҳа бўйича келишувга эришдик. Ушбу лойиҳалар тўқимачилик, тиббий анжом ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш йўналишларида бўлиб, мингдан зиёд қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.

Юрген РИХТЕРИН,
ЕТТБ вице-президенти:

— Ўзбекистондаги фаолиятимиз 2016 йилдан бошлаб изчил ривожланмоқда. Сўнгги 18 ой мобайнида қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 16 та лойиҳани рўёбга чиқаришга оид ҳужжатлар имзоладик. Бугун газ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган 250 миллион АҚШ долларига тенг шартномага имзо чекдик. Келгусида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда хусусий сектордаги фаолиятимизни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Жон ван дер ВЕЛДЕН,
«Linde» концерни бошқаруви аъзоси:

— Форум доирасида ўзбекистонлик вакиллар билан Хоразмда газ-кимё мажмуасини ривожлантириш бўйича музокара олиб бордик. Бу лойиҳада иштирок этишдан мамнунмиз. Уни амалга ошириш учун олдиндан инвестиция киритишга, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш устида иш олиб боришга тайёрмиз.

Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасидаги салоҳияти юқори. Саноатнинг ушбу тармоғида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани боис мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Бизнинг келишувимиз газни нафақат экспорт қилиш, балки қайта ишлаш, нефть-газ маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйишни назарда тутади.

Кетлин ГЁБЕЛЬ,
«CULTURAL cooperation international» компанияси директори:

— Ташриф арафасида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида юртингиз маданий меросига оид китоб-альбом тақдимоти ўтказилди. Ушбу лойиҳа мамлакатингиз маданияти ва санъатини ўрганиш, уни тарғиб қилишга бағишлангани билан муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашни истардим. Боиси, тақдим этилган китобда Германияда сақланаётган Ўзбекистон маданияти ва санъатига оид ноёб мерос ҳақида қимматли маълумотлар жамлаган. Улар орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишиш, юртингиз ҳақидаги билимларни ошириш мумкин.

Заша ХЕНДЛЕР,
«Textima Export Import» компанияси савдо директори:

— Мамлакатингиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлигимиз самарали кечмоқда. Ўзбекистоннинг қатор банклари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолаганмиз. Келгусида ўзаро алоқалар янада ривожланишига ишонамиз. Бўлиб ўтган бизнес-форум доирасида ўзбекистонлик шериклар билан учрашиш, истиқболли лойиҳалар бўйича мулоқотни йўлга қўйиш имконига эга бўлдик.

Клаус БОНЕМАН,
«Wehrhahn» курилиш компанияси директори:

— Қурилиш соҳаси технологияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниямиз бир йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда. Яқинда мамлакатингизнинг яна бир компанияси билан бетон саноатида ғовак тош ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш бўйича музокара олиб бордик. Ишонамизки, бу ускуналар амалиётда кутилган самарани беради. Бундан ташқари, ўтган йили юртингизда бўлиб ўтган халқаро инвестиция форуми доирасида Тошкент, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларидаги саноат корхоналарида компаниямиз технологияларини ўрнатиш тўғрисида меморандум имзолаган эдик. Шу каби келишувларимиз Ўзбекистонни сифатли, замонавий қурилиш материаллари билан таъминлаш имконини беради.

Фальк ПОРШЕ,
«Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси ижрочи директори:

— Ўзбекистон бозорида 20 йилдан буён фаолият юритиб келяпмиз. Мазкур иқтисодий форумда иштирок этиш учун 250 дан ортиқ ўзбекистонлик тадбиркорлар Берлинга ташриф буюрганини эшитиб қувондик. Мазкур йирик анжуман ҳам мамлакатингизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кўплаб ташаббус ва ислоҳотлар натижасидир. Биз ҳам Ўзбекистон энергетика соҳасига инвестициялар киритиш истагидамиз.

Франк ХУБРИХ,
«Takraf» компанияси бошқаруви раиси ва бош директори:

— Компаниямиз тоғ-кон саноати соҳасида фаолият юритади. Ҳозирги кунда ичимлик сувини қайта ишлашга мўлжалланган янги технологиялар ишлаб чиқариш бўйича ҳам ўз хизматларимизни таклиф этмоқдамиз. Хусусан, мамлакатингизнинг кимё саноати соҳасига ихтисослашган компаниялари билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон тоғ-кон саноати корхоналари учун керакли "Ташкура" технологиясини етказиб бериш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шунингдек, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси фаолиятида иштирок этяпмиз. Бугун шериклик муносабатларини кенгайтириш имконияти яратилмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар инвесторлар ишончини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этилгани кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Эндиликда бизнес доира вакиллари ёки сайёҳлар юртингизга бемалол сафар қилиши, Шарқ тамаддунига бешик мамлакатингиз тарихи ва бугунги ривожланиш жараёнлари билан бевосита танишиши мумкин.

Ханс-Юрген ХЕННЕС,
Маннҳайм университети клиникаси раҳбари:

— Клиникамизда асосан онкологик соҳада илмий текширувлар олиб борилади. Хорижий тиббий муассасалар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу тўпланган бой тажриба билан ўртоқлашиш имконини беради. Бугун ушбу ҳамкорлик Ўзбекистон билан ҳам йўлга қўйилаётганидан мамнунмиз. Юртингиз шифокорлари учун турли ўқув амалиётлари, малака ошириш курслари орқали ўз билим ва тажрибамизни ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бўлишиш истагидамиз. Шунингдек, турли лойиҳалар доирасида Германия тиббиёти ютуқларини мамлакатингизда ҳам татбиқ қилиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Карстен ФЮЛЬСТЕР,
Халқаро молия корпорацияси минтақавий директори:

— Ўзбекистонда жадал ислоҳотлар юз бераётганидан хабардормиз. Бу жараён германиялик тадбиркорларга мамлакатингизда ўз бизнесини йўлга қўйиш ва у ердан туриб Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ўз фаолиятини олиб боришига имкон яратади. Халқаро молия корпорацияси номидан шуни айтишим мумкинки, биз Ўзбекистонда истиқболли ривожланиш жараёнини кузатмоқдамиз. Шу боис мамлакатингизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаб, иш ўринлари яратилишига кўмаклашамиз.

Мен мамлакатингиздаги ислоҳотлар юксак самаралар беришига ишонаман ва бу йўлда омадлар тилайман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи доирасида бўлиб ўтган бизнес-форум турли соҳадаги тадбиркорлар ва ҳамкорлар мулоқоти янада ривож топиб боришидан далолат беради.

Маттиас РЕСЛЕР,
сиёсатчи, Саксония Ландтаг парламенти президенти:

— Германия билан Ўзбекистон ўртасида маданий-маърифий алоқалар ривожланиб бормоқда. Бизнинг мақсадимиз икки мамлакат олимлари ва талабалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришдир. Нафақат тадбиркорлар, балки икки мамлакат ёшлари, олимларининг ўзаро ҳамкорлиги ва тажриба алмашиши ўта муҳим. Германиянинг Берлин, Дрезден, Лейпциг, Штутгарт ва бошқа шаҳарларидаги музейларда Ўзбекистон тарихига оид нодир санъат асарлари ва экспонатлар мавжуд. Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташрифи нафақат иқтисодий, балки илм-фан, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилади.

Клаус МАНГОЛЬД,
"Mangold" консалтинг гуруҳи раиси:

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг дунёга тобора очилиши, Германия, қолаверса, Европа Иттифоқи учун ҳамкорлик йўлидаги катта имкониятдир. Мазкур форум ҳам немис ишбилармонларининг Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқишидан далолат беради. Бу орқали қишлоқ хўжалиги, кимё, озиқ-овқат, нефть ва газ саноати соҳаларида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш имконияти туғилади. Германия ишбилармонлари бу жараённи жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш истагида.

Ўзбекистонда айни пайтда кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлаётганига гувоҳман. Мамлакатингиз эндиликда Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий ўсишига туртки бўлиши лозим. Бугунги тадбир Германия Президентининг мамлакатингизга ташрифи билан давом этиб қолмай, балки немис ишбилармонлари делегациясининг жорий йил кузидаги ташрифи билан боғланиб кетади.

Штефан ЭККЕРТ,
"Хумана" корхонаси бошқаруви директори:

— Биз уч ярим йилдан буён Ўзбекистондаги шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мақсадимиз Ўзбекистон бозорида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга ҳиссамизни қўшишдир. Биз болалар озиқ-овқатлари ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳамизни амалга ошириш баробарида витаминларга бой маҳсулотларга бўлган талабни ҳам қондириш истагидамиз. Нафақат хомашёни қайта ишлаш, балки жаҳон стандартларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича музокаралар олиб бордик ва икки томонлама келишувларга эришдик. Галдаги вазифамиз молиявий ва техник масалаларни ҳал қилиб лойиҳани ишга туширишдир.

Стефан ЕНЧ,
"Обермайер" компанияси директори:

— Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро келишув имзолаганимиздан хурсандмиз. Навбатдаги учрашувларда техника соҳасидаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари тўғрисида келишиб оламиз. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун инфратузилмани ривожлантириш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Тадбирга 300 га яқин ишбилармонлар ташриф буюргани бизни ҳайратда қолдирди. Бу дастлабки ҳамкорлигимиз учун яхши кўрсаткичдир. Биз нафақат техника соҳасида ҳамкорлик қиламиз, балки мамлакатларимиз ўртасида алоқаларни ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Бу эса биз ишбилармонлар учун мамлакатингизда лойиҳаларимизни режалаштиришга пухта замин яратади.

Андрей НОВИЦКИЙ,
BCG-Бостон консалтинг гуруҳи ҳамкори ва бошқарувчи директори:

— Ўзбекистонда BCG билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Ҳамкорлик Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини тадқиқ этишдан бошланган эди. Унинг доирасида ўнлаб хорижий сармоядорлар ва юзлаб маҳаллий тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказилди. Мақсад қайси йўналишларда илғор мамлакатлардан фарқли жиҳатлар мавжудлиги, қайси йўналишларга ўзгартиришлар киритиш кераклигини аниқлашдан иборат эди. Шунга кўра, қонунчиликнинг солиқ, божхона, экспорт-импорт соҳалари бўйича ўзгартишлар киритишга оид таклифлар дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мана шу ўзгаришларнинг илк самаралари намоён бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқиш ортиб бормоқда, немис компаниялари ҳам юртингизга инвестиция киритиш юзасидан шартномалар имзолашга тайёр.

Стефан ХАЙД,
«Roland berger» компанияси вакили:

— Дунёнинг 50 мамлакатидан 2 мингдан зиёд маслаҳатчи фаолият олиб бораётган компаниямиз бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан қўшма лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Автомобиль йўллари тармоғи хусусий капитални жалб қилувчи манбадир. Шу боис, биз ўз тажрибамизни давлат хусусий шерикчилиги муносабатлари асосида йўлга қўйиш ниятидамиз.

ЎзА

Сектор раҳбарлари фаолияти қониқарсиз(ми?!)

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Олтинсой туманида жами 13 та кўп қаватли уйлар бўлиб, улардан 4 таси таъмирталаб эканлиги, "Бўстон" МФЙ ҳудудидаги 11-12-кўп қаватли уйларнинг чиқиндихоналаридан чиқиндилар олиб кетилмаганлиги, бу ерда антисанитария ҳолати кузатилганлиги хусусида сўз юритилди.

Ўрганишлар давомида аниқланишича, туманда **5** та боғча ва 3 та умумтаълим мактаби биноси мукаммал таъмирга муҳтож, 3 та оилавий поликлиника биносини янгидан қуриш зарур.

Шунингдек, сессияда тумандаги 30 га яқин **умумтаълим мактабларида иситиш тизимларини созлаш, 20 дан зиёд мактабларда таъмирлаш ишларини олиб бориш, янги умумтаълим мактабларини барпо этишга эҳтиёж борлиги айтиб ўтилди. 48-сонли мактабда ўтган йилнинг июль ойида мукаммал таъмирлаш ишлари бошланганига қарамай, молиялаштирилмагани сабабли ишлар тўхтаб қолган. Тумандаги мактабларда 4600 та парта, 173 дона ўқув доскаси, 42 та шкаф ва 10 жамланма компьютер техникалари етишмайди.**

Тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам талай муаммолар тўпланиб қолмоқда. Жумладан, "Тўхтамиш", "Ботош", Хўжаипок" МФЙларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил қилиш, "Вахшивор", "Хўжасоат" ҳудудий шифохонаси ва тез тиббий ёрдам шохобчаси биноларини таъмирлаш зарур. 55-, 56-, 57-, 58-, 60-қишлоқ оилавий поликлинкаларида шарт-шароитлар талабга жавоб бермайди. 55-, 58-, 61-сонли КОП таркибида тез тиббий ёрдам шохобчаси қуриш лозим.

Ҳудудда 102 та электр симёғоч маънан эскирганига негадир мутасаддилар эътибор бермаган. 15 километр электр тармоқларини қуриш, 280 дона темир бетон таянч устунлар ўрнатиш, кўплаб кўчаларда йўл ёритқичларини янгилаш орқали аҳолига қулайлик яратиш максадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим жиҳат — тиббиёт муассасаларида малакали шифокорларга эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, туманда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига ҳам юзаки ёндашилаётгани афсусланарлидир.

Сессияда ўрганишлар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурлари "йўл хариталари"да белгиланган вазифалар ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ҳудуддаги 4 та сектор раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги таъкидланди.

Мажлисда маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссиялари фаолияти ҳам қониқарсиз, деб баҳоланди.

Халқ депутатлари **Шеробод тумани** Кенгашининг навбатдаги сессиясида республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари тўғрисидаги ахборот тингланди.

Сессия иштирокчилари коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва капитал қурилиш, халқ таълими, тиббий соҳаларда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни муҳокама этишди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд муаммоларнинг аксарияти газ таъминотига доир (2284 та), соғлиқни сақлаш (354 та), кадастр масалалари (219) та, бандлик (790 та), электр энергияси таъминоти (548 та), ичимлик суви бўйича (157 та), банк кредити (160 та), уй-жой (143 та), йўлларни таъмирлашга оид (257 та) масалаларидан иборат. Аниқланган муаммоларнинг 1244 таси жойида бартараф этилгани эътиборга молик..

Тумандаги "Истиқбол" МФЙ ҳудудида ички йўллар, ичимлик суви тармоғи таъмирталаб эканлиги, насослар ишламаслиги, 2 дона электр трансформатори ўрнатиш зарурлиги мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолган. 61-умумтаълим мактаби биносини капитал таъмирлаш, "Ойтош" маҳалласидаги йўлларга тош ёткизиш масаласини ҳал этиш, "Бешкапа" кишлоғида яшовчи аҳоли бошқа жойдан ичимлик суви ташиб келтираётганидан кўз юмиб бўлмайди. "Миришкор" кишлоғида 151 нафар ўқувчи мактабга 7 километр жойдан қатнаб ўқийди. Бу эса янги мактаб қуришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. "Деҳқонарик" МФЙга қарашли "Қизилгул" кишлоғида ичимлик суви йўқлиги сабабли аҳоли канал сувидан фойдаланмоқда.

Аниқланишича, тумандаги кўп қаватли уйлардан 5 тасининг том қисми ёпилмаган. Кўп қаватли уйларда канализация тизими мавжуд эмаслиги бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Шунингдек, сессия ишида 7 та боғча, 5 та умумтаълим мактаби, 5 та қишлоқ оилавий поликлиникалари биноси таъмирталаб экани, 23 та МФЙларда мактабгача таълим муассасаси йўқлиги, 7 та МТМ биносини мукаммал таъмирлаш, 6 та боғча биносини янгидан қуриш зарурлиги айтиб ўтилди.

Туман тиббиёт бирлашмасининг "Наврўз" ҳудудий бўлими, бир қатор қишлоқ оилавий поликлиникалари бинолари мукаммал таъмирга муҳтожлиги, тиббиёт бирлашмасининг моддий-техника базасини янгилаш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш масаласи депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Аҳоли билан очиқ мулоқотларда 339 нафар фуқаро уй-жойга муҳтожлиги, 149 нафари уй-жойини таъмирлашда ёрдам кераклигини баён этишди.

Сессия ишида туманга инвестицияларни жалб этиш, кичик саноат зоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш юзасидан ҳам мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Халқ депутатлари **Денов тумани** Кенгашининг сессиясида ҳуддуддаги ўрганишлар мобайнида 10421 та муаммо аниқланган ва шундан 5566 таси жойида ҳал этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Албатта, туманда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, умуман, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар бажарилган.

Шу билан бирга, ҳудудда аҳолини оилавий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаяпти. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, таълим йўналишларида камчиликлар борлиги, кишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт асбоб-ускуналари билан етарлича таъминланмагани, шифокорлар етишмаслиги билан боғлиқ қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда. Тумандаги 3 та КОП биносини янгидан қуриш, 2 та болалар поликлиникаси барпо этиш, туман тиббиёт бирлашмасида ихтисослаштирилган ЛОР бўлими, практология бўлимлар фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги, тиббиёт бирлашмаси неврология бўлимига қўшимча 20 ўринли бино, 100 ўринли туғурук мажмуасини бунёд қилиш, скрининг маркази ташкил этиш ҳаётий заруратга айланган.

5 та МТМ биносини янгидан қуриш, 27 та боғчада таъмирлаш ишларини олиб бориш, 12 та МТМ биносини капитал таъмирлаш, 69 та МФЙда боғча ташкил этиш зарурлиги аниқланди. Умумтаълим мактабларидан 43 тасининг биноси жиддий таъмирталаблиги, 48 тасида иситиш тизими талаб даражасида эмаслиги афсусланарли ҳол, албатта. Шунингдек, аҳоли сони ортиши ҳамда ўқувчилар 10-11-синфларда ўқитилаётганлиги боис "Қорахон" МФЙда 630 ўринли, "Водий" МФЙда 360 ўринли, "Нуристон" МФЙда 420 ўринли, "Файзобод", "Деҳқонобод" маҳаллаларида 2 та 140 ўринли мактаб бунёд этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминотидаги узилишлар, канал ва кўприклар ҳолатини яхшилаш юзасидан таклифлар билдирилди. Жумладан, **Денов шаҳрида 528 та, Денов туманида 6986 та суюлтирилган газ баллонларига талаб мавжуд.**

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, юқорида номлари зикр этилган туманлардаги секторлар раҳбарларининг фаолиятини қониқарли деб бўладими?! Афсуски, бу саволга "Ҳа", деб жавоб бера олмаймиз. Чунки секторлар раҳбарлари замон талаблари даражасида фаолият юритишса, туманларда бу қадар кўп муаммолар йиғилиб қолмас эди. Йиғилишда сўзга чиққанлар мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф қилиш йўллари ҳақида таклиф ва фикр билдирдилар.

Сессияларда мутасадди раҳбарларга аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан топшириқлар берилиб, муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш зарурати

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бу ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

Президентимиз 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида ҳам суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасида галдаги асосий устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозимлигини қайд этиб, амалдаги Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари бугунги давр талабларига жавоб бермай қолганини таъкидлаб, танқид остига олди. Давлатимиз раҳбари "Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади. Шунинг учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу мақсадда Бош прокурор раҳбарлигидаги идоралараро комиссия 2019 йил 1 июлга қадар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг янги лойиҳаларини тайёрлаши лозим" дея таъкидлади.

Албатта, бу жараёнда, айниқса, мутахассисларнинг фикр ва таклифлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид айрим таклиф ва мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Биринчи таклиф. Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасида "Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш" деб номланган жазо тури мавжуд. Ўйлайманки, ана шу жазо турини Жиноят кодексига ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, амалиётда суд-лар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан жиноят содир этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги "Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида"ги 408-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборишни белгилайди. Кодексга бу жазо тури киритилса, содир этилган жиноят турига қараб, судланувчиларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш ёки бошқа жазо тайинлаш мумкин бўлиб, шахсларни ҳар қандай жиноят содир этганлик учун депортация қилишга барҳам берилади. Қолаверса, судларнинг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборишга оид қарорларига нисбатан қилинадиган шикоятлар сони ҳам камаяди. Шунингдек, айни пайтда республикамиз иқтисодиётига чет эл инвестициялари жалб қилинаётганини назарда тутсак, Ўзбекистон Республикасида эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган хорижлик инвесторлар ёки бошқа шахсларнинг арзимас сабаб билан депортация қилинишининг олди олиниб, инвестиция муҳити яхшиланишига асос бўлади. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида депортация қилмаслик асоси мавжуд эмас.

Иккинчи таклиф. Жиноят кодексининг 50-моддасида ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан йигирма йилгача муддатга тайинланиши белгиланган. Аммо кодекснинг 85-моддасида "Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно" дея қайд этилган. Шу боис вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатини олти ойдан бир ойга ўзгартириш зарур.

Учинчи таклиф. Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмига биноан, фирибгарлик ("а"-банди) жуда кўп миқдорда, ("б"-банди) ўта хавфли рецидивист томонидан, ("в"-банди) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Ушбу қисмга *"Пора беришга далолат қилиб содир этилган бўлса"* деб номланган "г"-бандни, "Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди" деб қайд этилган 5-қисмига эса *"Ушбу кодекс 168-моддаси тўртинчи қисмининг "г" бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно"* деган сўзлардан иборат қўшимчаларни киритиш ўринли бўларди. Кодекснинг айни шу моддасига юқоридаги қўшимчаларнинг киритилиши бевосита фирибгарлик жиноятининг кескин камайишига олиб келиши мумкин.

"Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади. Шунинг учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу мақсадда Бош прокурор раҳбарлигидаги идоралараро комиссия 2019 йил 1 июлга қадар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг янги лойиҳаларини тайёрлаши лозим".

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ушбу кодекснинг 84-моддаси 1-қисмида шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асослари қайд этилган. Бироқ мазкур қисмдан *"Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса"* дея таъкидланган 7-бандни чиқариб ташлаш ўринли бўлур эди. Агар кодекснинг 83-моддаси 2-бандига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлигини назарда тутсак, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги унинг бевосита жиноят субъекти ёшига тўлмаганлигини ифода этиб, бундай ҳолда қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Яъни ЖПК 84-моддаси 1-қисмидан 7-бандининг чиқарилиши суд амалиётини бир хиллаштиришга асос бўлади.

Айни пайтда қонунда жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун икки ойлик муддат белгиланган. Амалиётда эса судланувчини бир жазони ижро этиш муассасасидан иш кўрилаётган жойдаги тергов ҳибсхонасига олиб келиш баъзида бир ойдан уч ойгача вақт талаб этмоқда. Гарчи ЖПК 420-моддасида этап қилиш билан боғлиқ вазиятда жиноят ишини кўришни тўхтатиш назарда тутилмаган бўлса-да, судлар жиноят ишини судда кўриш учун тайинлагандан сўнг суд мажлисига судланувчининг келмаганлигини, у жазони ижро этиш муассасасида сақланаётганлигини аниқлаганда ажрим чиқариш йўли билан ишни кўришни тўхтатиш амалиёти мавжуд. Бинобарин, кодекснинг 399-моддасига айбланувчи муқаддам чиқарилган суд қарори асосида жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ёки суд қарори юқори инстанция суди томонидан бекор қилиниб, қайтадан судда кўриш учун юборилган бўлса, янги жиноят иши бўйича айбланувчини иш кўриладиган жойдаги тергов ҳибсхонасига олиб келиш учун этап қилинганда ҳам жиноят ишини юритишни тўхтатиш тарзидаги қўшимчани киритиш зарур.

ЖПКнинг 405-моддасига асосан жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак. Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди. Мазкур моддага *"Узоқ вақт тўхтатиб турилган ёки суд таркиби ўзгарган ҳоллар бундан мустасно"* дея қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бугунги кунда иш бўйича раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаган бўлса, бир суднинг иш юритувидаги шу ишни бошқа суд таркибида тўла ва холисона кўриб чиқишда муддат етмаслиги оқибатида муаммолар келиб чиқиши мумкин. Гарчанд қонунда муддат тегишли тартибда юқори турувчи суд раиси томонидан узайтирилиши мумкин бўлса-да, амалиётда муддатни узайтиришга ҳар доим ҳам рухсат берилмайди.

Кодекснинг 416-моддасида "Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилади" деб белгиланган қоидага *"Агар илтимоснома берилмаган ҳолда суднинг ташаббусига кўра амалга оширилади"* дея қўшимча киритилиши судлар томонидан адолатли ҳукм чиқаришга хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганидек, жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун икки ойлик муддат белгиланган бўлса-да, амалиётда иш бўйича экспертиза тайинланган ҳолларда бир ойдан икки ойгача вақт талаб этилмоқда. Гарчи ЖПКнинг 420-моддасида экспертиза тайинланганда жиноят ишини кўришни тўхтатиш назарда тутилмаган бўлса-да, ҳозир судлар томонидан ажрим чиқариш йўли билан ишни кўришни тўхтатиш амалиёти шаклланган. Шу сабабли мазкур қоидани ЖПКнинг 420-моддасига киритиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала кодексни такомиллаштириш жараёнида нафақат прокуратура ходимлари, судьялар ёки адвокатлар, балки ички ишлар органлари ходимлари, эксперт ҳамда тадқиқотчилар ҳам ўз таклиф ва мулоҳазалари билан иштирок этишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, Бош қомусимизнинг 13-моддасида белгиланганидек, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Фарруҳ АБДУРАИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг раиси

ИИВ ХАБАРЛАРИ

ТАЛОНЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Шу йил 19 январь куни номаълум шахс Тошкент шаҳар Чилонзор туманида шу туманда яшовчи Р.Ҳ.нинг бошига уриб, қўлидаги ичида пуллари, "iPad" мобиль телефони, пластик карточкалари ва фуқаролик паспорти бўлган сумкасини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Кўрилган чоралар натижасида жиноятни Чилонзор туманида яшовчи Р.Д., Сергели тумани Спутник 9-даҳада яшовчи Ж.Г. ва Спутник 4-даҳада яшовчи Е.Т.лар содир этгани аниқланиб, улар ушланган.

ЎҒРИ ХИЗМАТКОР

2019 йил 21 январь куни Самарқанд шаҳар Юқори Хўжасоат маҳалласида яшовчи Н.Ю. ИИБга мурожаат қилиб, 2018 йил 15 декабрдан 2019 йил 20 январгача бўлган вақт оралиғида уйининг хонасидан номаълум шахс заргарлик буюмларини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Н.Ю.нинг уйида вақтинча уй ишларида ёрдамлашиб юрган, Қашқадарё вилояти Косон тумани Эъзоз маҳалласида яшовчи С.А. (исмли аёл) содир этганлиги аниқланиб, ушланган.

ЯНА АЁЛ ЎҒРИ

2018 йил 19 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ тумани Сурум маҳалласида яшовчи Ф.Ҳ. ИИБга мурожаат қилиб, унда 2018 йил 16 ноябрь куни соат 13:30 дан 17:00 гача бўлган вақт оралиғида номаълум шахс унинг уйига очиқ қолган эшик орқали кириб, хонасидан 1 500 АҚШ доллари ва заргарлик буюмларини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Тошкент шаҳар Бектемир тумани Чашма маҳалласида яшовчи М.Д. (исмли аёл) содир этганлиги аниқланиб, ушланган.

БОЙВАЧЧА ҚАРОҚЧИЛАР

2019 йил 20 январь куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида яшовчи У.Т. ва К.Ҳ. ўзларининг бошқарувидаги "Тойота Превиа" русумли автомашинасида Юнусобод тумани Ҳасанбой кўчасига келиб, у ердан фуқаро З.С.дан ТХАЙ кўчасига олиб борувчи йўлни кўрсатиб юборишликни сўраб, уни автомашинага чиқаришган.

Ҳасанбой даҳаси ва ТХАЙ кўчаси кесишган чорраҳага етиб келганларида З.С.ни автомашинадан туширириб, ундан "IPhone" русумли мобиль телефонини қўнғироқ қилиш учун олишган ва воқеа жойидан яширинган. Кўрилган чоралар натижасида У.Т. ва К.Ҳ. қўлга олинди.

БЕҲУШ ТОПИЛГАН ШАХС

2019 йил 22 январь куни Тошкент шаҳрининг Олмазор даҳасида яшовчи Ш.Б. Чилонзор тумани Бунёдкор шоҳкўчасидан тан жароҳати билан беҳуш ҳолда топилиб, РШТЁИМга ётқизилган эди.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Юнусобод тумани Халқобод кўчасида яшовчи А.В. ўзаро жанжал туфайли содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

ТУБАНЛИК САРИ ЙЎЛ

Инсон учун бу ёруғ оламда берилган ҳаёт Яратганнинг инъоми. Уни қандай яшаш, қандай умргузаронлик қилиш ҳар кимнинг ўзига тан. Оилада фарзанд ҳар томонлама гўзал тарбия олса, яхшиларга ўхшашга ҳаракат қилса, эзгуликка интилса, ҳаёти тинч ва осойишта бўлиши билан бирга, эл эътиборида ва яқинлари эҳтиромида бўлади. Лекин донишманд боболаримиз айтганларидек, чаман ичра гул кўп, тикан кўп. Гул ифоридан юз буриб, тиканга талпинганлар эса, албатта, унинг заҳрини тотадилар.

Бир куни Азиз Косимов Ўртачирчиқ туманининг Нурафшон шаҳрига борди. Темир йўл кесишмаси ёнидан ўтар экан, ариқ бўйида ўсиб ётган мариухана ўсимлиги диққатини тортди. Бу ўсимлик унинг диққатини тортгани бежиз эмас. У бир пайтлар кимдандир марихуанани қовуриш йўли билан истеъмол қилиш мумкинлигини эшитганди. Шу сабаб ўсимликдан бир дастасини юлиб олади. Шундан сўнг йўловчи машинада Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги "Изза" кўчасидаги уйига келади. Уйидан эски темир товоқни олиб, режалаштирган ишини амалга ошириш мақсадида хилват жой излайди. Хилват жой топиб, марихуана гиёҳвандлик воситасини қовуради. Қовурилган марихуана суюқ ҳолатга келгач, уни думалоқ шаклга келтиришга ҳаракат қилади. Аммо модда суюқ бўлганлиги учун яхши ёпишмай, у истаган кўринишга келмагач, салфеткага ўраб, сигарет қутиси ичига солиб қўяди. "Мақсадим спиртли ичимлик ичган вақтида марихуана гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш эди".

...Бу Азизнинг иқрори, аммо унинг аниқ нияти сотишми ёки чекишми, бу фақат ўзигагина аён. Нима бўлганда ҳам бир нарса маълум. Бу заҳри қотил туфайли инсон тубанлик ботқоғига ботиши, инсонийлик қиёфасини йўқотиши аниқ. Азиз шуни билгани ҳолда бу заҳри қотилни чўнтагида олиб юрган.

Азиз Қосимов янги йил байрами арафасида мевачева савдоси билан шуғулланиш, Самарқад вилоятидан турли хил меваларни арзон баҳода олиб, Тошкент шаҳрининг "Қўйлиқ деҳқон бозори"да қиммат нархда сотиш ва фойда кўриш мақсадида 2018 йил 7 декабрь куни соат 05.30 да Тошкент маҳаллий аэропортига келади. "Тошкент — Самарқанд" йўналишидаги авиа рейс билан учиб кетиш учун рўйхатдан ўтиб, учиш залига киради. Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди деганларидек, шахсий кўрикдан ўтаётганида Азиз ўзининг беҳаловатлиги билан шубҳа уйғотади ва Ислом Каримов номидаги аэропорт ЖХТБ ҳамда Тошкент маҳаллий аэропорти авиация хавфсизлиги хизмати ходимлари сергаклиги туфайли шимининг ўнг чўнтагида "parlament" сигарет қутиси ичида 5,96 грамм тўқ яшил рангли, ўзига хос ҳидга эга бўлган гиёҳванд модда ҳамда 9 дона дори воситаларининг капсуласи борлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, Азиз Қосимовдан далилий ашё тариқасида олинган, тўқ яшил рангли, ўзига хос ҳидга эга бўлган модда таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, 5,96 грамм қуритилган ёғсимон массанинг 1,3112 граммини канабис мойи ташкил этиши аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан А.Қосимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилди ва жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун судга юборилди.

Мамлакатимизда жиноят кўчасига кирган фуқаро борки, албатта, қонуний жазосини олиши муқаррар. Хўш, бу жиноят фош бўлмаганда аҳвол қандай кечарди? Ҳали куёвлик тўнини киймаган, ота-онасининг оғирини енгил қилиб дуосини олмаган, қалбидаги яхши ниятларнинг рўёбини кўрмаган йигит ўзи айтганидай ичкилик ичиб, орқасидан марихуана истеъмол қилса, бора-бора кўнгил майлига қарши боролмай, гиёҳвандга айланиб қолар, натижада ота-онасининг суянчиғи, боқувчиси, орзу-умиди бўлган Азиз жамиятнинг чиркин қатламига тушиб колиши аниқ эди.

Ёхуд Азиз уни Самарқандга олиб бориб кимгадир сотса, шу йўл билан мўмай даромад ҳам ишлаб оларди. Аммо кимларнингдир отаси ёки акасининг, турмуш ўртоғининг гиёҳвандлик балосига дучор бўлишига, бир оиланинг тинчлиги бузилиб, ҳаёти жаҳаннамга айланишига, оналарнинг кўз ёшлари оқишига, болаларининг ёркин келажак ҳақидаги орзулари барбод бўлишига сабабчи бўларди.

Эътибор берганмисиз, болаларга нимани таъқиқласанг, албатта, шуни қилишга ҳаракат қилади. Бу ишнинг натижасини англамайди. Аммо 25 ёшли ақлихуши жойида бу йигит ҳақида бундай деб бўлмайди. У ичкиликнинг ҳам, гиёҳвандликнинг ҳам инсон ҳаётининг кушандаси эканлигини яхши билади. Шундай бўлса ҳам бу заҳри қотилни истеъмол қилиб, ўз ҳаётини разолат ботқоғига ботирмоқчи бўлганлиги ёки уни бошқаларга сотиб чўнтагини қаппайтиришга уринганлиги унинг маънавий тарбиясида бўшлиқ борлигидан дарак бермайдими? Ана шу бўшлиқнинг асоси унга яхши тарбия берилмаганлигида эмасмикан? Зеро, гиёҳвандлик тубанлик сари йўл ҳисобланади.

Зафар СУЛТОНОВ,
Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ЖХТБ ТБ терговчиси,
Саодат МАТЁҚУБ қизи,
"Adolat" мухбири

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жамият юксалишида ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Давлатимизнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни, "Халқаро меҳнат ташкилотининг" Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида"ги конвенциясини, "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 103-конвенциясини, "Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида"ги конвенциясини, "Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисида"ги конвенциясини, "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш" ва "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенциясини ратификация қилиши миллий даражада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларини имплементация қилиш бўйича қонунчиликка ва давлат органлари фаолиятининг амалиётига аниқ чораларни ишлаб чиқиш учун зарур халқароҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон мингйиллик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқаришда, биринчи навбатда, қашшоқликни камайтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг ролини ошириш, эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлашга қаратилган чораларни изчил амалга ошириб келмоқда. БМТ нинг 2000 йил сентябрдаги Саммитида қабул қилинган "Мингйиллик ривожланиш декларацияси" ҳам жамиятни ижтимоий ривожлантириш ва инсон тараққиёти масаласида муҳим халқаро хужжат ҳисобланади. Бу декларация қамровига кирувчи мингйиллик ривожланиш мақсадларида жамият ва инсоннинг тараққиёт омили борасида қўлга киритилаётган дунёвий ютуқларни ўлчаш ва мониторинг қилиш бўйича комплекс чоралар кўриш таклиф этилган.

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида Ўзбекистон ҳукумати, вазирликлари ва идоралари, нодавлат ташкилотлари томонидан аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш учун тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: *"Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас"*.

Умуман олганда, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ва уларни амалиётга жорий этиш тартиботларини янада кучайтириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга боғлиқ.

Сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни уларнинг сиёсий мақомини аниқ тасаввур этиш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи, мақсад ва вазифаларига мос амалий фаолият кўрсатаётганлиги билан белгиланади. Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеининг ошиши айнан сиёсий партиялар фаолияти орқали юз бериши муҳим аҳамиятга молик ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган "Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга киришган Ўзбекистонда жамият ҳаётининг бошқа соҳалари қатори, хотин-қизлар институтини тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзгаришлар мавқеини ва унинг муттасил ўсиш суръатларини белгилайдиган туб ислоҳотлар ва янгиланишларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини янада кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ошириш, қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам ёрқин акс эттирилган. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини янада ислоҳ қилиш вазифалари" қисмида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш белгилаб ўтилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги белгиланган.

Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар мавқеини белгилайдиган омилларни мустаҳкамлаш билан бирга бу йўналишда аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш механизмини ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, хотин-қизлар қўмиталари, ФҲДЁ бўлимлари ходимлари бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни яхшилаш, ажралишларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини янада кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ошириш соҳасида қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Республика парламенти томонидан 2003 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши аёлларнинг қонун чиқарувчи органлардаги иштирокини янада кенгайтирди. Қонуннинг 22-моддасига сиёсий партиялар томонидан мамлакат парламенти депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ҳақидаги қоида киритилди.

"Адолат" СДП Дастурига асосан хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқарувида ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Оила" илмий-амалий маркази, бир қатор жамоат фондлари, "Олима" аёллар ушмаси, Республика репродуктив саломатлик маркази билан ҳамкорликда ўтган давр мобайнида юзлаб тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли", "Адолатли қайнона" республика кўрик-танловлари ҳамда ёшлар ва хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва тиббий маданиятини оширишга қаратилган туркум семинар-тренинглар, онлайн видеоконференциялар, танловлар ташкил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат асарларида хотин-қизлар мавқеи масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Алишер Навоий аёлларни улуғлашга, уларнинг мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган асарларида «Ер юзида ўзининг ақл-заковати, мард ва донолиги, гўзал ҳусни, андиша ва сабр-тоқати, меҳр ва садоқати билан дунёга донг таратган аёллар жуда кўп" деб алоҳида таъкидлайди.

Кейинги йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган янги мазмундаги ислоҳотларда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини ривожлантириш механизмларига, аввало, халқаро аҳамиятга эга бўлган нормаларга устувор аҳамият берилаётганлиги алоҳида эътиборни тортади.

Мамлакатимиз хотин-қизларининг инновацион ғоялари, лойиҳа ва ишланмаларини жорий этишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фан-таълим ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг амалга ошираётган лойиҳалари самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Ихтирочи аёллари маркази ташаббуси билан "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танлови анъанавий ўтказиб келинмоқда. «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» республика танловида мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларига ўз техник лойиҳалари, рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларини жорий этиш мақсадида кўплаб олима аёллар, тадқиқотчилар, иқтидорли талаба ва ўқувчи қизлар янги лойиҳалари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев инсон омили халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини назарда тутиб: "Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз — бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир" дея алоҳида таъкидлагани асло бежиз эмас.

Мавлуда ҒАФФОРОВА,
Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти

Reklama o'rnida

Мевали дарахт зарарланганда

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Мевали дарахтларни зарарлайдиган ҳашаротлар ҳақида зарур маълумотларни билиш фойдадан холи бўлмайди.

Оддий ўргимчаккана (Tetranychus urticae Koch) ана шундай зараркунандалар сирасига киради. У олма дарахтига кучли зарар етказади, шунингдек, бу ҳашарот бошқа уруғли ва данак мевали дарахтларга ҳам тушади. У зарарлаган барглар аввал сарғаяди, кейин эса қўнғир тусга кириб, тўкилиб кетади. Мевали дарахт кучли зарарланиб, мевалари майда, сифатсиз ва сон жиҳатдан ҳам кам бўлиб қолади. Кана тушган дарахтнинг ҳосилдорлиги 35-70 фоизгача пасайиши мумкин.

Ўргимчаккана майда бўғим оёқли ҳашарот бўлиб, уни кўз билан зўрға кўриш мумкин. Танаси овал шаклида, 0,3–0,6 мм, ранги кўкиш-сариқ, устида иккита қорамтир доғи бор. Ўргимчаккана баргнинг орқа томонига жойлашиб, уя ясайди ва шу уяда ривожланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу канадан зарарланишда "Ред Делишез", "Голден Делишез", "Роум Бют" ва "Жонатан олма" навлари бошқа навларга нисбатан кўпроқ чалинувчан ҳисобланади.

Боғларда чанг кўтарилишини камайтириш ва дарахтларни сув билан доимий таъминлаб туриш каналар тез кўпайишининг олдини олади. Куртаклар бўртиш вақтида уларга минерал мойлар билан таркибида хлорпирифос, абамектин ёки диазинон бўлган воситаларни аралаштириб ишлов берилади. Вегетация даврида агар ҳар бир баргда 10 тадан ортиқ тирик кана топилса, таркибида абамектин, геситиазокс, спиротетрамат, амитрац, бифентрин ва пропаргит бўлган препаратлар билан ишлов бериш мақсадга мувофиқдир.

Ф.ТУРҒУНОВ,
"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантин чегара маскани инспектори

Карантин организм тушунчаси нима?

Сабзавот ва полиз экинларида ҳам зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар учраганида уларга қарши ўз вақтида кураш чоралари қўллаш лозим.

Хусусан, зараркунанда ҳашоратлар сабзавот экинларининг ҳосилдорлигига путур етказади. Бундай ҳашаротлардан колорада қўнғизи, цитрус инли куяси ва цитрус оқ қаноти каби зараркунандалар республикамизнинг айрим ҳудудларида учрайди ва улар айни пайтда карантин организми ҳисобланади. Мазкур карантин зараркунандалар помидор, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини зарарлаб, ҳосилнинг 40-50 фоиз ва ундан катта қисми нобуд бўлишига олиб келади. Карантин организм дейилишининг сабаби шундаки, зараркунанда ҳашаротлар бирор ҳудудда аниқланганида уларни бошқа ҳудудларга тарқалмаслиги учун чора-тадбирлар кўрилади, аниқланган ҳашарот карантин организм деб белгиланиб, назорат ишлари олиб борилади.

Колорада қўнғизи Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан ташқари Тошкент шаҳри ва барча вилоят ҳудудларида жами 96 туманда 12206,5 гектар майдонда учраши аниқланган. ***Цитрус оқ қаноти*** Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жами 25 туманнинг 26,1 гектар майдонида, ***цитрус инли куяси*** эса республикамизнинг Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида жами 33 туманнинг 35,5 гектар майдонида учраши кузатилган.

Мазкур зараркунандалар тарқалган ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши экологик безарар қарши кураш чораларини ўрганиш айни муддаодир.

Ш.ТЎРАЕВА,
"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантин чегара маскани агроном инспектори

АКС-САДО

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бу борада амалга оширилаётган ишларда янги босқични бошлаб берди.

"Конституция хиёбони" — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ МАСКАНИ

Ушбу фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримиздан янгича фикрлаб, жиддий масъулият билан ишлашни тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Рахмоновнинг "Адолат" газетасининг жорий йил 19 январь сонида эълон қилинган мақоласи ва унда билдирилган таклифлар кўпчилик сафдошларимиз қатори менда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Мазкур мақолада юртимизнинг барча ҳудудларида "Конституция хиёбони"ни барпо этиш, шу орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш ҳақида таклиф билдирилган. Дарҳақиқат, тасаввур этинг, жамоат масканлари, ўқув ва таълим-тарбия муассасаларининг ҳар бирида мақолада таърифланган кўринишдаги "Конституция хиёбонлари" ташкил этилса, айни муддао бўлар эди.

Чунки, аввало, бундай хиёбон барпо этилиши Конституциямиздаги фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари акс этган моддаларнинг доимо кенг омма нигоҳида туриши билан аҳамиятли бўлади.

Таълим-тарбия масканлари ва ўқув муассасаларида Конституция хоналари, моддалари билан жиҳозланган шундай залларнинг ташкил этилиши эса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда қонунни ҳурмат қилиш ва унга сўзсиз бўйсуниш кўникмасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мактабгача таълим муассасаларида Бош қомусимиз моддалари ифодаланган лавҳалар кичкинтойлар нигоҳида доимо намоён бўлиб туриши ҳам мурғак қалбларга ижобий таъсир кўрсатади. Бахтимиз қомуси билан болаликдан танишиб борган кичкинтойларнинг онги ҳуқуқий билим тушунчасига ҳамроҳ бўлади.

Таълим-тарбия масканлари ва ўқув муассасаларида Конституция хоналари, моддалари билан жиҳозланган шундай залларнинг ташкил этилиши эса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда қонунни ҳурмат қилиш ва унга сўзсиз бўйсуниш кўникмасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

"Конституция хиёбони" ва хоналарининг жиҳозланиши билан боғлиқ таклиф ҳам жуда ўринли, деб ўйлайман. Маълумки, ўқув муассасаси ва ташкилот, корхоналар ҳудудида турли ҳикматли сўзлар, афоризмлар битилган лавҳалар ўрнатилиши бор гап. Бугунги глобаллашув замонида ахборот технологияларининг тезкор суръатда тараққий этиши ҳаётимизга кўплаб қулайликларни олиб кирмоқда. "Конституция хиёбони" ва хоналарининг электрон таблолар билан жиҳозланиши эса омма эътиборини ўзига кўпроқ жалб этади, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, айтилаётган фикр ва ахборот ҳам барча катта-ю кичикка тушунарли бўлади.

Биз мақолада қайд этилган таклифларга тўлиқ қўшилганимиз ҳолда вилоятимизда ҳам шундай масканлар бунёд этилишини истар эдик.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг фармонида белгиланган вазифалар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш — демократик жамият пойдевори" лойиҳаси асосида олиб борилаётган ишларга ҳамоҳанглиги билан ҳам партия фаолларини ташаббускорлик руҳида ишлашга ундамоқда.

Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари

ТАДБИР

Пенсия миқдори 65 минг сўмдан 263 минг сўмгача оширилди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси раҳбарлари ОАВ вакиллари билан учрашув ўтказди.

— Ўтган йилнинг декабрь ҳолатида юртимизда ишловчи пенсионерлар сони 118 минг нафардан кўпроқ бўлган. Уларнинг фақат 40 минг нафари ёки 34 фоизига пенсия тўлиқ тўланган. Қолганлар эса иш жойидан 50 фоиз пенсия олар эди. Жорий йилнинг январидан бошлаб барча тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсия тўлиқ тўланади — дейди Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Ё.Турсунов. — Яна бир янгилик. Пенсияни ҳисобкитоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилиши белгиланди. Олдинлари иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсия ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромади инобатга олиниб, ундан юқори қисми ҳисобга олинмас эди.

Айтайлик, фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи — 2200 минг сўм, стажи 35 йил. Унга пенсия ҳисоблашда ҳозирга қадар 1621,8 минг сўм, яъни ЭКИҲининг 8 баравари инобатга олинган. Қолган қисми эса ҳисобга олинмаган. Пенсиянинг таянч миқдори белгилаб олингач, талаб этилганидан ортиқча ишлаган 10 йилнинг ҳар бир йили учун 1 фоиздан қўшимча ҳисобланган. Шунда пенсиянинг умумий миқдори 1054 минг сўмни ташкил этган.

Бу сумма янги тартибда қандай бўлади? Энди унинг маблағи 1621,8 минг эмас, балки 2027,3 минг сўм бўлади. Бунда ЭКИҲ 10 баравари ҳисобланади. Шунда пенсиянинг таянч миқдори 1115 минг сўм бўлиб, унга ортиқча ишлаган йиллар учун қўшимча ҳисобланса, пенсиянинг умумий миқдори 1317 минг сўмни ташкил этади. Ёки 263 минг сўмга ошади.

Ҳозирда 519 минг нафардан ортиқроқ пенсионернинг пенсия миқдори ўртача 65 минг сўмдан 263 минг сўмгача оширилди.

Қайд этиш жоизки, ҳар бир шахс учун пенсия миқдори индивидуал тарзда ҳисобланади.

Пештоққа қайтаётган кошин

Вобкентдаги "Чашмаи Айюб" мақбараси пештоқидан бундан 8 йил (!) аввал ўғирлаб кетилган ноёб кошин ўз жойига қайтарилади

БУ ҲАҚДА ЁЗГАН ЭДИК

Бугунги кунда юртимизда фуқаролар турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш борасида Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, билдирилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бундай муносиб турмуш шароитларидан мамнунлик ифодасини жойларда фуқароларнинг юз-кўзидан ҳам билиб олиш мумкин.





Тарихга назар соладиган бўлсак, IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан, маънавият ниҳоятда ривож топганини кўрамиз. Шу сабабли, бу давр дунё мутафаккирлари, илм аҳли томонидан Шарқнинг Уйғониш даври деб юритилади.

XIII асрнинг бошида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни вайронага айлантирган мўғуллар ҳужуми Уйғониш даври тамаддунига қақшатқич зарба берди. Шаҳар ва қўрғонлар, сарой ва ёдгорликлар, сув иншоотлари, кўприклар вайрон этилди, кўплаб халқлар, олиму фузало қирғин қилинди. Алломалар турли ўлкаларга тарқаб кетдилар. Мўғуллар босқини даврида таназзулга учраган ўлкамиз маданиятининг айрим соҳалари кейинчалик аста-секин қайта жонлана бошлади. Шаҳар харобалари қайта тикланиб, тарихий тархи асосида масжид, мадраса, хонақоҳ ва мақбаралар қурилишга киришилди. Қадим Бухорога олиб борувчи карвон йўллари чорраҳасида, ҳозирги Вобкент тумани ҳудудида жойлашган Харгўш ва Хайробод қишлоқлари орасидаги кўҳна қабристон ёнида қурилган, бизгача сақланиб қолган "Чашмаи Айюб" мақбараси ҳам ана шу давр меъморчилигининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланади.

Мақбара кечмишига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу ёдгорликнинг "Чашмаи Айюб" деб номланишининг ўзи ҳам бир тарих. Бу ерда замин остидан чиққан шифобахш чашма улуғланиб, машҳур пайғамбар Айюб алайҳиссалом номи билан боғланган. Ривоятларга кўра, Айюб алайҳиссалом Бухорога келган бўлиб, ул муборак зот ҳассасини қаерга урсалар, шу ердан булоқ отилиб чиққан экан. Мазкур чашмага ҳам у кишининг ҳассаси теккан жой сифатида нисбат берилади.

"Чашмаи Айюб" мақбарасида милодий 1017 йилда вафот этган ҳадисшунос олим Абу Саъд ал-Харжуший дафн этилган. Тарихий маълумотларга кўра, ушбу мақбара яқинида масжид ва дарвешлар хонақоси ҳам бўлган. Ёдгорликнинг атрофидаги қабристон кейинчалик халқнинг у кишига юксак эътиқоди туфайли юзага келган.

Мақбара асрлар давомида қанчадан-қанча талон-торож, тўс-тўполонларни бошдан кечирган. Айниқса, мустабид шўролар даврида буткул унутилиб, эътиборсиз қолдирилганлиги сабабли ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Бир сўз билан айтганда, ўтган 800 йиллик тарихий давр "Чашмаи Айюб"нинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Эндиликда ёдгорликнинг фақат пештоқ қисми ҳамда унга туташ деворнинг бир бўлаги бизгача етиб келган, холос.

Бу ҳақда "Юртга қайтган қадрият" сарлавҳаси остида "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетасининг 2017 йил 28 июль сонида мақола эълон қилган эдик.

Ўша мақолада мазкур ноёб обида пештоқига битилган муқаддас ёзувнинг бир парчаси бундан 8 йил муқаддам бир гуруҳ кимсалар томонидан таъмирлаш ишлари баҳонасида ўғирлаб кетилгани ҳақида ҳам фикр юритгандик.

Ўтган вақт ичида мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур ўғирлаб кетилган кошинни топиш ва айбдорларни жазога тортиш юзасидан тегишли тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширдилар. Натижада жиноятчилар ушланиб, одил судловга тортилди.

Маълум бўлишича, 2011 йилнинг ёз ойларида З.Г. томонидан ёлланган ишчилар ёрдамида ёдгорлик пештоқидаги "Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Авваллари сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Бас, энди уларни зиёрат қилаверинглар". Бу иморат ҳижрий олти юз бешинчи йили қад ростлаган", дея араб ёзувида битилган ҳикматли жумланинг "олти юз бешинчи" рақами битилган кошин бўлаги ўғирланиб, ёдгорликка шикаст етказилган. Уни қайта реставрация қилиш баҳонасида, ўғрилик эканини сездирмай, Тошкент шаҳрига олиб келишган ва кошин бўлаги А.А.га берилган.

Шундан сўнг кошинни туркиялик (кимлигини аниқлашнинг имкони бўлмаган) шахсга сотиш учун "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясида борт кузатувчиси бўлиб ишлаган И.А. билан жиноий тил бириктириб, қонун ҳужжатларини бузган ҳолда мамлакат ҳудудидан олиб чиқишган.

"Чашмаи Айюб" ёдгорлигининг ўғирлаб кетилган кошин бўлаги Германия Федератив Республикаси орқали Буюк Британиянинг "Mayfair" галереясида 2017 йилда сотувга қўйилади...

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг аралашуви билан кошин бўлаги республикамизга қайтарилди. Айни пайтда кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Яқин кунлар ичида "жаҳонгашта" кошинни Вобкентга олиб келиб, ўз жойига қўйиш режалаштирилмоқда.

Халқимизда "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади", деган ҳикматли нақл бор. Жиноят содир этган кимсалар айни мана шу нақл моҳиятига эътибор қаратишганида, суднинг қора курсисига ўтиришмаган бўлишарди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки. "Чашмаи Айюб" мақбараси ва унга туташ кўҳна қабристон ҳудудида "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Қодир Жўраевнинг мазкур обида атрофини ободонлаштириш ҳамда уни республикамиздаги туристик маршрутлар рўйхатига киритиш тўғрисида мутасадди ташкилотларга юборган депутатлик сўрови асосида 2017-2018 йилларда мақбара ва унга туташ ҳудудларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси эса яқин орада ушбу обидани мамлакатимизнинг туристик манзилгоҳлари рўйхатига киритишни режалаштирмоқда. Яна бир янгилик — ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ва Маданият вазирлиги томонидан мазкур обидани "Буюк Ипак йўли дурдоналари", деб номланган катта лойиҳанинг таркибий қисми сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда партиядошлар билан биргаликда Хайрободга сафар уюштириб, "Чашмаи Айюб" жомеъ масжиди имом-хатиби Омон Раҳимов ва хайрободлик оқсоқоллар билан суҳбатлашдик. Улар ноёб битикли кошин топилганлигидан, айбдорлар ўз жазосини олаётганлигидан хурсанд эканликларини қайд этишди. Кошин ўз жойига қайтарилса, нур устига нур бўлар эди, дея тилак билдиришди.

Юксак маҳорат билан бунёд этилган ушбу нодир ёдгорликни асраб-авайлаш, уни асл ҳолида қайта қуриш ва таъмирлаш, мақбара атрофида туристик инфратузилмани ривожлантириш асосий вазифаларимиздан биридир.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

«QQB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!
(+99878) 150-93-39
Google pay App Store
www.qqb.uz
Reklama
Xizmatlar litsenziyalangan

Қаллоб қўлга тушди

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Бошига ташвиш тушган кишига кимдир ёрдам қилса, яна кимдир вазиятдан фойдаланиб қолишни мақсад қилади. Мақоламизнинг қўштирноқ ичидаги қаҳрамони Болибек Жумаев *(мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)* ана шундай ғараз ниятли инсонлардан бири бўлиб чиқди.

Сардор Яминов "Energo..." МЧЖ раҳбари бўлиб фаолият юритиб келаётганди. Кутилмаганда иши судга тушди. Қаердандир ёдига эски таниши Болибек тушиб қолиб, ундан маслаҳат сўради. Болибек учрашиб, гаплашишни таклиф қилди. Учрашишгач, у қандай иш бўлишидан қатъи назар, юқорида ишловчи танишлари орқали ҳал қилиб беришини, қолаверса ўзи ҳам судда ишлашини айтиб, унинг ишончига кирди. Иш 10.000 АҚШ доллари эвазига ҳал бўлишини айтишни ҳам унутмади.

— Пулнинг бир қисмини олдиндан берсангиз, ишларингиз тезроқ ҳал бўлади. Қолганини иш битгач берарсиз, — деди Болибек Сардорга.

— Ишим битса бўлди, пулидан қочмайман, — деди Сардор ҳам.

Иккаласи кейинги гал учрашадиган жойни келишиб, хайрлашишди.

Болибекни ўзини тутишидан шубҳаланган Сардор бу ҳақда тегишли органга мурожаат қилди. Сўнгра келишилган вақтда пулларни олиб, Юнусобод тумани Бодомзор кўчасида жойлашган ФИБ М.Улуғбек туманлараро суди биноси олдига борди.

Бироздан сўнг "Нексия" автомашинасида Болибек келди. У машинадан тушиб Сардор билан кўришди. Уни машинасига таклиф қилди. Улар автомашина салонида 15 дақиқача гаплашишди. Сардор машинадан тушгач, келишилган пулларни Болибекка берди. Болибек уларни автомашинасининг олд қисмига қўйди.

Шу пайт Департамент ходимлари холислар билан келишиб, ўзларини таништиришди...

Энг қизиғи тергов ва суриштирув жараёнида аниқланди. Буни қарангки, Болибек Жумаев ҳеч қачон суд соҳасида ишламаган ва бу соҳада ҳеч кимни танимас ҳам экан. У бирйўғи таниши Сардорнинг бошига иш тушганидан фойдаланиб, ўзининг таъбирича "тирикчилик" қилиб қолмоқчи бўлган экан.

Суд қаллоб ҳожатбарорнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Камола РАХИМОВА,
Юнусобод туман прокурори катта ёрдамчиси

БОЖХОНА БЕКАТИ

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси томонидан контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатларига ўз вақтида чек қўйилмоқда.



Тамаки қутисидаги қорадори

Хусусан, "Айритом" чегара божхона пости орқали қўшни давлатдан юртимизга кириб келган фуқаро А.С. гиёҳвандлик воситасини олиб ўтишнинг янги усулини "кашф" этмоқчи бўлди. Бироқ унинг "кашфиёти" иш бермади.

Унга тегишли "ESSE" номли сигарет папиросига 0,21 грамм "гашиш" гиёҳвандлик моддаси жойлаштирилганлиги аниқланиб, божхона ходимлари томонидан фош этилди.

Ҳужжатсиз "Феназепам" ва...

Жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун психотроп моддаларни даволаш курси доирасида олиб кириш ва олиб чиқилишига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсат берилади.



Айрим фуқаролар ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилмасдан, божхона назоратидан яширинча психотроп моддаларни республика ҳудудига олиб киришга уринишмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси "Қорақалпоғистон" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан йўловчи поездда мамлакатимизга кириб келган фуқаро Т.Ж.нинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унинг ёнида йўловчи божхона декларациясида қайд қилинмаган, ҳеч қандай ҳужжатларсиз жами 1425 дона "Феназепам" психотроп моддалари борлиги аниқланди.

Музлатгичлар ушлаб қолинди

Жиззах вилояти божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида фуқаро А.Т. бошқарувидаги "Лабо" русумли автоулов тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилди. Натижада, машина юкхонасида Қ.Ў. исмли шахсга тегишли, божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган қиймати қарийб 12 миллион сўмлик музлаткичлар борлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (144); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (144); 90 *900-72-15*

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 100.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 3424
Босишга топшириш вақти — 2.30
Босишга топширилди — 3.33
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 феврaлдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6